

OILA DAVTRASIDA

№ 20 (366)
2019 - yil
16 - may
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ МАНФААТГА АЙЛАНМАСИН

пулли
йул



« Нима, улар
қурилаётганда
иригация ва дренаж
масалалари кўзда
тутилмагани? Агар
кўзда тутилмаган бўлса
ҳар йўлу йўлак четига
бетон ариқчалар
нега қўйилган? Агар
кўзда тутилган бўлсаю
улар сифатсиз ва
ишламайдиган бўлса,
униг таъмирига
яна нима учун
миллиардлаб пул
керак?

3-бет

ОЛИЙ ТАЪЛИМ:

учтагача йўналиш
танлови, имтиёзли
сертификатлар ва
пулли қабул



2-бет

ТОШКЕНТДА АМИТИ УНИВЕРСИТЕТИ:

қабул қачон
бошланади?

2-бет

ОТАЛИККА НОМУНОСИБ

«ота»лар



5-бет

ТИЛ ТАҚДИРИ

кимларнинг
қўлида?

4-бет

БОЛАЛАРДА ИЧ КЕТИШ:

давоси ва
парвариш



7-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

Олий таълим:

учтагача йўналиш танлови, имтиёзли сертификатлар ва пулли қабул

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларига кириш имтихонларидаги ислохот: бир йўла учтагача йўналишда танловда иштирок этиш мумкин; тестлар июль-августда ўтказилади; таълим муассасаларини ўтган йилларда битирган абитуриентлардан тўлов ундирилади. Ушбу янги тартиблар Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 14 майдаги «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан белгиланди.



Хўш, олий таълим муассасаларига қабул жараёнида қандай янгилликлар кутилмоқда?

Биринчидан, 2019/2020 ўқув йили қабулдан бошлаб абитуриентларга олий таълим муассасаларининг тест синовини топшириладиган фанлар мажмуаси бир хил бўлган учтагача бакалаврият таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Иккинчидан, 2019/2020 ўқув йили қабулдан бошлаб олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари июль-август ойларида ўтказилади (*иллари – 1 августдан 15 августгача*).

Учинчидан, 2020/2021 ўқув йили қабулдан бошлаб тест синовини топшириладиган фанлар мажмуаси икки бўлимга ажратилади. Биринчисига – барча учун мажбурий учта фан: она тили (*ўзбек, рус ёки қорақалтоқ*), математика ва Ўз-

бекистон тарихи, иккинчисига мажмуаси бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фан киритилади. Бунда ҳужжатда она тили бўйича алоҳида синов ўтказилиши назарда тутилмаган.

Бакалаврият таълим йўналишларига мос тест синовини топшириладиган фанлар мажмуаси, баҳолаш мезонлари, тест топшириқлари сони ҳамда тест синовларини ўтказишнинг аниқ муддатлари Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Тўртинчидан, тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан тест синовларида иштирок этиши учун тўлов ундирилади. Масалан, 2018 йилда ва ундан аввал мактабни (*касб-ҳунар коллежсини, академик лицейини ёки олий таълим*

муассасасини) битирган абитуриентлар 2019 йилда тўлов тўлашлари керак.

Тўлов миқдори ЭКИХнинг яримини ташкил этади. Ногиронлиги бўлган ёки тўлик давлат таъминотидаги шахслар ундан озод қилинади.

Бешинчидан, тўпланган баллар ҳақидаги маълумот тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг сайтида ҳам эълон қилинади. Талабалikka тавсия этилгани ёки тавсия этилмагани бўйича танлов натижаси эса тест синовларини ўтказиш жараёни тўлик яқунлангандан кейин бир hafta муддат ичида маълум бўлади.

Олтинчидан, шу йилдан бошлаб давлат олий таълим муассасаларига бакалавриятга ўқишга кириш учун абитуриентлар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилади.

Тошкентдаги Амита университетида қабул қачон бошланади?

Тошкент шаҳридаги Амита университетида жорий йил сентябрдан ўқиш бошланади. Ушбу олий таълим муассасаси Президентининг 2019 йил 7 январдаги «Тошкент шаҳрида Амита университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Хиндистоннинг Амита университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган Амита университетининг таълим фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

– Тошкент шаҳрида очилаётган ушбу олий ўқув юртига

жорий йилда 200 нафар талаба қабул қилиниши кўзланмоқда, – дейди Амита университети президенти Атул ЧАУХАНА. – Мазкур муассасада ахборот коммуникация технологиялари, жумладан, компьютер ва дастурий инжиниринг, сунъий интеллект ва менежмент соҳаларида мутахассислар тайёрланади.

– Абитуриентларни қабул қилиш қачондан бошланади ва қандай тартибда саралаб олинади?

– Кириш имтихонларида асосан сифатга эътибор қаратамиз. Тест олдидан ҳар бир абитуриент билан суҳбат ўтказилиб, саралаб олинади. Ундан сўнг, тест имтихонлари топшириши мумкин. Ўқиш сентябрь ойидан бошлангани учун қабул июнь ойидан бошланади. Яқинда университет веб-сайти ишга туширилади. Унда олий ўқув юрти ҳақидаги барча маълумотлар, кириш имтихонлари оид ахборотлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилди.

– Ушбу олий ўқув юрти талабалари қандай шароит ва имкониятларга эга бўлади?

– Амита университетида тахсил оладиган 50 та иқтидорли талабага Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан стипендия ажратилади. Шунингдек, талабалар ўз малакасини ошириш учун бошқа филиалларимизга бориб тахсил олишлари ҳам мумкин.

– Ўқитувчилар жамоаси қандай тузилади?

– Хиндистондан ҳам, Ўзбекистондан ҳам мутахассислар жалб этилади. Бундан ташқари, бутун дунёдан малакали мутахассис-ўқитувчиларни жалб этиш назарда тутилган. Ҳозир ID технологиясини ривожланмоқда, шу бонс имкониятлар кенг. Олий ўқув юртига Нобель мукофоти совриндорлари келиб ўқув семинарлари ўтказиши кўзланган.

Бекзод НАСИМБОВ,
«Оила даврасида» муҳбири

БЕШ ТАШАББУС – БЕШ ИМКОНИЯТ

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббус Навоий вилоятида ҳам кенг тарғиб қилинмоқда.

Навоий шаҳридаги «Маърифат боғи»да беш мингдан ортиқ ёшларни беш максатда бирлаштирган лойиҳа вилоят ҳокимлиги, Халқ таълими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Тадбирда ёшлар томонидан саҳналаштирилган театр томошалари, куй-қўшиқлар ижроси, уларнинг ижодига оид хунармандчилик, рассомлик санъати намуналари намойиш этилди.

Шунингдек, тадбирда спортнинг 20 тури бўйича ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этилди.

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИДАГИ ЎЗГАРИШ



Эндиликда кредит ёки қарзнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаб чиқишда қарз олувчининг бир қанча тўловлари ҳисобга олинади.

Истеъмол кредитлари ва қарзларининг тўлиқ қийматини ҳисоблаш тартиби Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу ҳақда «Хуқуқий ахборот» канали маълум қилди. Ушбу тартиб истеъмолчиларга берилган истеъмол кредитлари ва қарзларининг тўлиқ қийматини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

Кредит ёки қарзнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаб чиқишда қарз олувчининг қуйидаги тўловлари ҳисобга олинади:

- асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар;
- банк фойдасига амалга ошириладиган тўловлар – агар бундай тўловлар шартнома шартларига мувофиқ қарз олувчининг мажбуриятларига кирса;
- учинчи шахслар фойдасига амалга ошириладиган тўловлар, агар бундай тўловлар шартнома шартларига мувофиқ қарз олувчининг мажбуриятларига кирса.

Банклар қуйидаги ҳолларда кредит ёки қарзнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаб чиқишлари шарт:

- шартнома тузилганда;
- кредит ёки қарз олиш истагини билдирган қарз олувчиларга кредит ёки қарз олиш шартлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш вақтида.

Банклар ўзларининг расмий веб сай-сайтларида потенциал қарз олувчиларга кредит ёки қарзнинг тўлиқ қийматини мустакил ҳисоблаб чиқиш имкониятини яратиб беришлари лозим.

Шунингдек, банклар оммавий ахборот воситалари орқали кредит ёки қарз тўғрисидаги маълумотларни эълон қилганларида, ушбу эълонда банкка мурожаат этилганида мижозларга кредит ёки қарз олиш билан боғлиқ кредит ёки қарзнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаб берилиши ҳақида ахборот беришлари керак.

МОЎГА ЯНГИ РАҲБАР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Умид Аҳмаджонов истеъфода чиқди, дея хабар берди uza.uz.



Кеча ушбу масала бўйича МОЎҚда йиғилиш бўлиб ўтди ва унда қўмитага янги раҳбар тайинланди. МОЎҚнинг янги раҳбарлигига Рустам Шоабдурахмонов тайинланди. Р.Шоабдурахмонов шу пайтгача қиличбозлик федерациясига раҳбарлик қилиб келаётган эди.

МАЪЛУМОТ

Амита университети 1986 йилда ташкил этилган. 1991 йил расман университет сифатида иш бошлаб, ҳозир Хиндистонда етакчи хусусий олий таълим муассасаларидан ҳисобланади. Унда 150 мингдан зиёд талаба тахсил олади. Таълим муассасаси Нью-Йорк, Лондон, Дубай, Сингапур, Хитой, ЖАР ва жаҳоннинг бошқа нуфузли шаҳарларида ўз филиалларига эга.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ манфраатга айланмасин

Марҳамат, қонун-қонидани бузишга шароит етарли!

Сезяпсизими, сўнги вақтларда фикрлар, қарашлар, муносабатлар ўзгаряпти. Бунинг фақат олқишлаш керак. Ахир фикрлаган одам ўзлигини танийди. Ўзлигини таниган одамлар жамиятида қонун устувор, адолат доим сарбаланд бўлаверади. Ана шунда ислохотлар фақат инсон учун хизмат қилади. Жамиятдаги муаммоларнинг очик ва ошқора айтилаётгани, уларнинг ечими изланаётгани, энг муҳими, хоҳ шахсий, хоҳ ижтимоий масалада бўлсин, ҳар кимга мурожаат қилиш кафолатлангани бу ўзгаришларнинг дастлабки кўринишларидир.

Аммо мана шу жараёнда бир тенденция пайдо бўлмоқдаки, бунинг оқибати ҳақида бироз бош қотириш, мулоҳаза юритиш ўринли назаримизда. Яъни, бир-икки кунлик эмас, йиллар давомида тўпланган айрим муаммоларни таҳлил қилиш ва ечим топишда бирёқлама ёндашув сезилмоқда.

Жамиятдаги бирор муаммонинг ечими аввало одамлар манфраатига хизмат қилиши, кимнингдир ҳаётини яхши томонга ўзгартириши керак. Бирок, бу ечим бошқа бир бошоғриққа замин ҳозирламаслиги, одамлар дарду ташвишини кўпайтирмаслиги шарт. Сўнги вақтларда халқ қабулхоналарида, сайёр қабуллар давомида, қолаверса ижтимоий тармоқларда «тренд»га айланаётган айрим муаммоларга шунақанги ечимлар топилаптики, охир-оқибат кўпчилик «аввалги ҳолида тургани ҳам маъқул эди», дейишгача бормоқда. Бошқача айтганда «кичмигаган жойни қашлаб» пушаймон бўлмоқда. Келинг, айрим мисолларни келтирайлик.

Оғзи ёпиқ ариқлар

Баҳорги серёгин кунлар анча-мунча худудларимизни танг ахволга солиб қўйди. Жумладан, Тошкент шаҳри кўчалари, турли объектлар сувга тўлди. Аслида бу янгилик эмас. Мана, неча йилдан бери бироз кўпроқ ёмғир ҳам пойтахт кўчаларини қўлга айлантириб қўймоқда. Фақат совет замонида қурилган масканлар эмас, ҳатто замонавий дея мақталган, тантанали топширилган йўллар, йўл ўтказгичлар, уй-жойлар ҳам бундан четда қолмаётти. Бир эмас, ҳар серёгин мавсумда такрорланадиган бу ҳодиса юзасидан илк бор шаҳар ҳокимлиги баёнот берар экан, «шаҳардаги ирригация ва дренаж тармоқлари капитал таъмирга муҳтожлиги, бунинг капитал таъмирлаш учун, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағ талаб этилиши...»ни кайд этди.

Шу ерда бир тўхтаб, мантқиққа мурожаат қилиб кўрайлик. Юкорида айтганимиздек, ирригация ва дренаж муаммолари яқин-яқинларда топширилган йирик объектларда, янги шаҳарчаларда (мисол учун *Сергелида*) ҳам кузатилади.

Нима, улар қурилаётганда ирригация ва дренаж масалалари кўзда тутилмаганми? Агар кўзда тутилмаган бўлса ҳар йўлга йўлак четига бетон ариқчалар нега қўйилган? Агар кўзда тутилган бўлса улар сифатсиз ва ишламайдиган бўлса, унинг таъмирига яна нима учун миллиардлаб пул керак?

Сув йўлларини сифатсиз қурганлар, бир объектни лойиҳалашда сувнинг кетишини ҳисобга олмаган лойиҳачилару курувчиларни нега ҳеч ким эсламайди?

Этибор қилганмисиз, янги қурилаётган ёки таъмирланаётган йўллар, йўлақлар четига бетон ариқлар ўрнатилади, таъмирла-

наётганлари янгисига алмаштирилади. Буларнинг барчаси катта харажат. Аммо бу ариқларга озгина сув тушса ҳеч қаерга оқмай жойида туриб қолади. Бундай кўзбўямачилик нима учун керак?

Мана шу оддий эътиборсизликлар йиғилиб катта муаммога айланган экан, аввало бунга йўл қўйганлар жавоб бермасдан, уни бартараф этиш учун катта пулга кўз тикиш қанчалик адолатдан бўлади?

Пули йўққа йўлнинг абгорими?

«Ўзбекистонда пулли йўллар пайдо бўлади...» Бу хабар ҳам сўнги «тренд»лардан бири. Одамларнинг қулоғини ўргатиш учун бўлса керак, бот-бот айлантирилмоқда. Албатта, сўнги йилларда ҳамма энг зада бўлиб кетган муаммо бу — носоз йўллар. Пулли йўллар пайдо бўлишини эшитиб, кўпчилик «Хайрият, яхши йўл курса пул тўлаб бўлса ҳам юраман», деяпти. Ана, ҳолос! Ҳозир ҳам йўл фондига ҳар кунини қанча маблағ тўлаётганини балки улар билишмас. Билса ҳам уни тўламасликнинг иложи йўқ, машинангизга ёниги қуяр экансиз, унинг ичида йўл жамғармасига ҳам тўлайсиз. Фақат мамлакат бўйича ҳар йили йўл қуриш учун

йиғиладиган миллиардлаб пуллар тақдирини сизу бизга қоронгу. Ўттиз йилдан бери бирор марта ҳам таъмир кўрмаган йўлларни биламиз ҳолос. Мутахассислар маҳаллий аҳамиятга эга бўлган энг кичик йўлларга ҳам янги қурилгандан кейин камида ўн икки йил кафолат берилиши керак, дейишади. Аммо сўнги ўн йилда қурилган янги йўлларни эсланг, қанчаси таъмирланди, яна қанчаси аллақачон абгор ахволда? Пулли йўллар мана шундай йўл муаммоларини хал қилиб бера оладими?

Бу билан пулли йўллар керак эмас, деган фикрдан бутунлай йироқмиз. Аммо унутмаслик керакки, пулли йўл оддий йўлдан текислиги билан эмас, биринчи навбатда катта тезлик учун хавфсизлик чоралари кўрилгани, ҳайдовчилар учун муайян кафолатлар берилгани билангина фарқланиши керак.

Юкорида айтдик, нега йўлсозлар, мутахассислар қурган йўлнинг сифатига, стандартига кафолат бермайди? Нега олдин йўлни қуриб олиб, кейин унинг остидан бошқа тармоқларни ўтказиш учун қовлай бошлашади? Ўтказишга ўтказиб, йўлни нега яна созлаб

қўймайди? Йўл қуришдаги мана шу масъулиятсизликларга озгина бўлса-да барҳам бериб, кейин пулли йўл ҳақида гап бошласанк ярашади, назаримда. Чунки пулли йўл одамларнинг чўнтагига қўшимча юк, бунинг кўтарадиган ва кўтара олмайдиганлар бор. Аммо бу ана шу чўнтаги кўтармайдиганлар носоз йўлдан юришга мажбур дегани эмас зинҳор. Юкорида таъкидладик, пулли йўл фақат қўшимча қулайлик ва кафолатлар учун.

Хато қилишингни пойларлар...

Автомашина чирокларини ёкиб юриш масаласи бугуннинг энг кўп муҳокама қилинаётган мавзуларидан бирига айланди. Агар бизда йўлларда тартиб ўз ўрнида бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномаси олаётганларнинг ҳаммаси билимли, йўл қондаларига қатъий риоя этадиган бўлса янги қондага деярли эътирозлар бўлмас эди назаримда. Бугун содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг қанча қисми нўноқ ва билимсиз ҳайдовчилар ҳисобига тўлири келади? Сифатсиз ва ноаниқ йўл белгилари қанча жиддий оқибатларга сабаб бўлаётгани-чи, булар ҳеч ўрганилмайптими? Мана шу жиҳатлари атрофича таҳлил этиляптими? Жарима талаб қилиш билан бирга, ўша қондабузарликка олиб келмаслик учун ҳайдовчига қандай қулай шарт-шароит яратилаяпти?

Бугун юртимиздаги мавжуд автомашиналарнинг қанча фоизи юрганда автомат равишда чироғи ёниб, тўхтаганда ўчади? Бундай транспорт воситалари бир фоиз ҳам чиқмас керак. Қолганлар эса ҳали ўрганиб улгурмасдан жаримага тортила бошлагани бу янги қондадан фақат йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш кўзланаяпти, деган эзгу мақсадни шубҳа остига қўяди. Йўқса, бунинг аввалига тавсиявий тарзда йўлга қўйиш, техник кўриш давомида автомобиль чироғини автомат тарзда ёниб-ўчадиган қилиб соз-

Бугун юртимиздаги мавжуд автомашиналарнинг қанча фоизи юрганда автомат равишда чироғи ёниб, тўхтаганда ўчади? Бундай транспорт воситалари бир фоиз ҳам чиқмас керак. Қолганлар эса ҳали ўрганиб улгурмасдан жаримага тортила бошлагани бу янги қондадан фақат йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш кўзланаяпти, деган эзгу мақсадни шубҳа остига қўяди.

лаш мумкин эди. Ҳозир кўпчилик фақат жарималар биттага кўпайганини билди ҳолос.

Бундай ҳаракатлар одамлар ва уларнинг хавфсизлиги учун қилинаётган экан, нега йўл-ҳаракати хавфсизлиги ҳодимлари доим ҳайдовчилар қонда бузишга ўзлари хохламаган ҳолда мажбур бўлаётган жойларга тўсатдан бостириб келиб (*ёки пойлаб*) аёвсиз жаримага тортиши аънамага айланган? Дейлик, бир чорраҳада муайян қондабузарлик қайта ва қайта содир бўлаётган экан, нега унинг олдини олиш борасида бирор чора кўрилмади? Нега одамлар бирровга бўлса ҳам тўхташга мажбур бўладиган (*бошқа тўхташ жойи бўлмаган*) жойларда «тўхташ тақиқланган» йўл белгиси қўйилиб, ИПХ ҳодимлари узоқдан пойлаб, кимнингдир қонда бузишини кутади?

Айтишингиз мумкин, бу саволга жавоб оддий: қондани бузмамг! Тўғри, қондани бузмасангиз, олам гулистон гўё.

Лекин кимнингдир қондани бузиниши пойлаш ва ундан жарима ундириш билан жамиятдаги бу муаммони ҳал этиб бўлмайди-да. Аввало қондалар одамлар ҳаётини енгиллатишга хизмат қилса, қондани бузишга эмас, бузмасликка кўпроқ шарт-шароит яратилсагина нимагадир эришиш мумкин.

Ҳа, бир кишининг ҳам, минг кишининг ҳам муаммоси жамият ривожига тушув бўлиши тайин. Бугун ҳар бир одамнинг даридига қулоқ тутиб, унинг ечимига астойдил киришилаётган экан, бу йўлда иккинчи бир оғир юкни халқнинг гарданига юклаб қўймайлик. Зотан, ҳамма нарсада фақат одамларни айблаб бўлмайди. Жамият қандай бўлса, қандай мезонлар устига қурилса, одамлар ҳам шундай бўлади, шундай яшайди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ



ТИЛ ТАҚДИРИ — МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Давлат дастури қабул қилиш керак!

— Она тилим ўлмайди!

Тилимиз софлиги учун курашамиз!

ЎЗБЕК ТИЛИ

Ўтган йиллар давомида ўзбек тилининг асосий қонун-қоидалари ишлаб чиқилишга эришиш йўлида қайсидир маънода ҳаракатлар бўлди. Лекин имло масаласида бир хилликка келинмагани аҳолининг умумий саводхонлик даражасига таъсир қилди ва қилапти ҳам.

Бошқа тилларни кузатсак, уларда хориждан сўз олиш ёки байналмилал сўзларни ишлатишда ўз меъёрлари бор. Махсуслашган давлат чегарасидан кириб келар экан, божхонада назоратдан ўтказилади. Агар ўрнатилган барча талабларга жавоб берса, мамлакатга киритиш учун рухсат берилади. Бўлмаса, йўқ. Худди шундай бўлганда тизими, менимча, она тилимизда ҳам бўлиши зарур. Хориждан сўз олиш асосан икки хил ҳолатда юзга келади. Биринчиси, ўзимизда шу сўзнинг муқобили бўлмаганда, иккинчиси, барча хорижий давлатлар учун бир хил истеъмолдаги сўз ҳисобланганда.

Оилада фарзанд ўз онасининг тилида гапириб, тили чиқади. Агар у икки тилда гаплашиб катта бўлса, бу менинг тилим деган ифтихорни туя олмайди. Фарзандимиз бошқа тилда гапириб, ўқиб савоб чиқарса, унинг оиладаги миллий тутумларга муносабати ҳам ўзгаради. Шу руҳда тарбия топган бола отасига қўлини кўксига қўйиб чой узатмайди. Ёки шундай тарбия топган киз хатто қўлига супурги ушлаб, эгилиб ховли супурмайди. Уларга ўзлари устувор деб билган тил ва унинг ортидан бегона бир миллатнинг ғояси сингиб боради. Чунки ҳеч бир тилни миллатдан айри ҳолда ўрганиб бўлмайди.

Бизнинг тилга нисбатан ўз эътиқодимиз бор. Агар она тилимиз ўрнини бошқа бир тил эгалласа, биз ана шу ўз она тилимизга бўлган эътиқодни ҳам бой берамиз. Айрим ота-оналарда боламини рус мактабга берсам, руслашиб кетмасмикан, деган хавотир бўлади. Чунки бирон хорижий тилни ўрганиш боланинг ҳулқига албатта таъсир кўрсатиши ҳаётда кўп дуч келинган ҳолат. Ота-оналар аини мана шу ҳолатнинг мулоҳазасини қилишади.

Тарихда яшаб ўтган буюк боларимиз ўзбек эканини бугун кўпчилик билмайди. Негаки, ўша даврларда араб ва форс тиллари жамиятда етакчилик қилган. Шунинг таъсирида илмий ва бадий асарлар ўша тилларда яратилган.

Натижада, бизнинг буюк боболаримизга ўзлари ижод қилган тил билан боғлаб нисбат бериладиган бўлди. Аслида бизнинг боболаримиз инсоният цивилизациясига жуда катта ҳисса қўшишган. Лекин уларнинг ўзбеклиги тил воқеасида сояда қолиб кетаверган.

Бугун эса биз ўзимизнинг ҳақиқий миллий тилимизга, қонунан давлат тили мақоми берилган расмий тилга эгамиз. Энди биз шу тилнинг алифбосини такомиллаштириб, қонун-қоидаларини мукамаллаштириб, шу тилни асраб-авайлаш йўлидан боришимиз керак. Бизнинг фахримиз кўп тилни билишимиз эмас, аввало, ўз она тилимизга бўлган муно-

Инсонда она тили битта бўлади. Ўзбек тилини она тили сифатида ҳис қила олган киши ундан кейин истаган жаҳон тили ёки хорижий тилини ўрганиши мумкин. Аммо ўз она тилига хурмат руҳида тарбия топмаган инсонда миллий рух, миллат қайғуси, тил ташвиши бўлиши мумкинми?

сабатимиз билан белгиланади. Буни унуттишга, бунга бепарво ва лоқайд бўлишга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

Энди бу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун балки янги бир кўмита, қандайдир тузилмага эҳтиёж бор. Биз она тилимизга бу меники, бу менинг она тилим, деган фахр, ғурур ва ифтихорни уйғота олмас эканмиз, тилимиз ҳавф остида қолади.

Ҳар бир одамда тил қайсидир маънода рухиятни ҳам аниқлайди. Хориж тилини ўрганиш учун ўша рухиятга қира олиш талаб қилинади. Балки бунинг ҳеч қандай зарарли томони йўқдир, лекин ўзга тил ортидан инсон ўзидан, ўзидан узоклашиб қолмаслиги керак. Тил — миллат рамзи. Миллат маънавиятнинг бир бўлаги. Тилга эътиборсизлик, ўз она тили ташвишини қилмаслик инсонни миллийлиги, ўзгилдан айириши мукаррар.

Мени бир нарса жуда таъсирлантиради. Дунёнинг қайси бир бурчагида хатто ўзбекнинг кимлигини ҳам билмайдиган бир

спорт ҳақами «қураш», «чала», «ёнбош», «ҳалол» каби сўзларни катта майдонларда туриб тилга олапти. Демак, бизнинг миллий тилимиз, миллий сўзларимиз жаҳонга юз тута бошлади. Худди шундай биздан хорижга тақдим этиладиган миллий маҳсулотларимиз билан бирга уларнинг миллий ёрлигини, шу тарзда миллий сўзларимизни ҳам олиб чиқишимиз мумкин экан. Шундай пайтда ўзимиз икки тилни расмий тил сифатида эълон қилсак, тилимизга нисбатан иккилик, бўлиниш пайдо бўлмайди?

Сигирнинг овозини ҳаммамиз эшитганмиз. Бизнинг назаримизда у «мў-мў» тарзида овоз чиқаради. Қизиги шундаки, инглиз худди шу товушни биздан бошқача қабул қилади. У буни «қав-қав» тарзида эшитади. Ўзи битта сўз, лекин уни қабул қилишда унга ҳар ким ҳар хил ёндашади. Нега шундай? Чунки ҳар бир нарсани ҳар ким ўз хусусиятидан келиб чиқиб қабул қилади. Инсонда она тили битта бўлади. Ўзбек тилини она тили сифатида ҳис қила олган киши ундан кейин истаган жаҳон тили ёки хорижий тилини ўрганиши мумкин. Бунга ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Аммо ўз она тилига хурмат руҳида тарбия топмаган инсонда миллий рух, миллат қайғуси, тил ташвиши бўлиши мумкинми?

Биз тилни муҳофаза қилиш орқали миллатни, халқнинг кадр-кимматини, ор-номусини, ишонч-эътиқодини, ўзгилни асраб қолишимиз зарур. Тарихда ҳукмор мафкура халқнинг тили қандай бўлиши кераклигини белгилаб берган. Шундай даврларни ўзбек халқи ҳам неча бор бошдан кечирди. Энди эса биз мустақил ва озор юртмиз. Бизнинг ўз тилимизни ўзимиз асраш, ҳимоя, муҳофаза қилиш масаласида давлат микёсидаги энг катта масала бўлиши керак. Урф-одат, қадрият, миллийлик, оғзаки ва ёзма ёдгорликлар миллатнинг тилини ўзида акс эттиради. Тилга заҳа етса, юқоридегиларнинг барчаси ҳалокатга учраши мукаррар.

Кечаги кунимиз тил билан боғлиқ кўп талатўплар билан ўтди. Энди бугун яна бир янги тил муаммосини ўйлаб топмасдан ўз она тилимизга хурмат туйғуси билан яшашимиз лозим.

Севара ХУДОЙБЕРДИЕВА,
тилишунос

Болалар кўчада ўйнаётиб бир қушни топиб олишди. Жонивор касалимида ёки бошига бир кулфат тушганимида — ҳарқалай ёнига яқинлашган шарпани сезса ҳам қочишга интилмади. Кўксини ерга босганча оғир-оғир нафас олиб ётаверди. Катталарнинг ёрдამисиз тирик қушни қўлга киритганидан хурсанд бўлиб кетган болақайлар қушни авайлаб уйга олиб келишди. Дарров оғзига сув билан нон туттишди. Аммо қуш худди аразлагандек кўзларини юмиб, емишга қарамади.

Қафасдаги қуш



Болалар қушга атаб ёғоч синиклари, картон ва симдан кичкинагина қафас ясади. Қушча янги уясига ҳадегандан кўникавермади. Орадан бир-икки кун ўтгандан кейингина у анча-мунча дон-дун чўқилайдиган бўлди. Аммо ўжарлиги-ёввойилиги қолмади. Тор қафас симларига ўзини уриб, тинимсиз типирчилар эди. Шундай маҳалда болалар қушга раҳм қилгандек уни қафасдан олиб, бошини силашар, очкичи қолгандир дея оғзини мажбуран очиб, дон тикишар, сув томизишар эди.

— Қушни беҳуда қийнапсизлар, энди қўйвора қолинглар, — дерди ойиси уларни қойиб. Аммо болалар асосий эрмак-овунчоқларидан ажралгиси келмасди.

Бир куни эрталаб болалар одатдагидек қафасдан хабар олишди. У ерда қутилмаган манзарани кўриб, ҳайрон бўлишди. Қушча, оёғи осмонда, қафаснинг бир четига тек қотиб қолган эди. Болалар қушимиз ухлаб қолгандир деб ўйлашди ва уни уйғотиш учун чапак чалиб, шовкин солишди, туртиб ҳам қўришди, аммо қушча барibir қимирламади.

— Қани, нонуштага келмайсизларми? — ичкаридан ойилари қакириб қолди. Болалар эса худди сеҳрлангандек, қафасдан кўз узмай, мунгайиб тураверишди. Она ноилж ўзи айвонга чиқди-ю қафасни кўриб, ҳаммасига тушунди. Афсус билан бош чайқаб қўйди.

— Қушинлар...ўлиб қопти-ку, — деди у секингина уф тортиб. — Гапимга қўнмадинглар, мана оқибати. Майли, энди фойдаси йўқ, овқат совумасин, юра қолинглар.

Болаларнинг кўнглига овқат сигмасди. Улар ҳафа бўлиб, бошларини қуйи солишди. Кичкинтой Анора эса қушчага қараб туриб йиғлаб юборди.

— Қушимиз нега ўлиб қолдикин, ойи? — деб сўради болаларнинг каттаси — Азамат.

— Худди шу саволни сизларга мен бермоқчи эдим, — деди она. — Хўш, ўзинлар айтингларчи, қуш нега ўлди?

Болалар бундай саволни қутишмаган эди. Улар гоҳ жонсиз қушга, гоҳ ойиларига мўлтираб тикилганча жимиб қолишди.

— Қуш ўз-ўзидан ўлиб қолмагандир, — деди она. — Бу — фожа. Фожанинг эса бирон сабаби бўлиши керак. Қани, ҳар ким ўз фикрини айтсин-чи!

— Қафас торлик қилди, шунинг учун ҳам қуш ўлиб қолди, — деди Азамат.

— Хўш, сен нима дейсан, Алишер? — она иккинчи ўғлидан сўради.

— Қушни қўлимиз билан кўп ушлаб, қийнаб қўйдик, шундай қилмаганимизда ўлмас эди, — жавоб қилди Алишер.

— Аразлаб овқат емай қўйди. Овқат емаса катта ҳайвонлар, филлару йўлбарслар ҳам ўлиб қолади, — дея балағонлик қилди учинчи, энг шўх ўғил Алибек.

— Хўш, кенжатоимиз Анора нима деркин? — она қизига юзланди.

— Қафасга қамаганимиз учун ўлиб қолди, — Анора ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб қилди. — Мен акаларимга қўйворайлик десам, унашмади. — Анора дам ойиси билан акаларига, дам ўлиб ётган қушчага жовдараб тикилар, мунчоқ кўзлари ҳамон жикқа ёш эди.

— Баракалда, эсли кизим! — деди она қизининг бошини силаб. — Ҳаммангизнинг гапингизда жон бор. Анора бўлса сизларнинг фикрингизни ҳам жамлаб, саволга содда ва тўғри жавоб берди. Дарҳақиқат, қушни қафасда сақлашмаслик керак эди. Ўзига келгач, қўйиб юбориш керак эди. Яхшилик қилганингизни унутмасе, яна учиб келарди.

— Одамлар қафасда қуш боқишади-ку?! — деди Азамат эътироз билдириб.

— Тўғри, боқишади, аммо бунақа шароитда эмас-да. Улар махсус қафасда, қўлга ўргатилган, боқса бўладиган қушларни асрашади. Сизлар тутиб олган қуш эса қафасда яшашга мослашмаган эди. Энди бу англашилмовчилик сизларга бир умр сабоқ бўлсин.

Болалар шу воқеадан кейин жониворларга бошқача кўз билан қарайдиган бўлишди.

Шодмон ОТАБЕК

Оталикка номуносиб «ота»лар Улар еткизаётган озорларга даво борми?

Соатлар ортидан кунлар, ойлар кетидан йиллар ўтаверади. Ҳайратангича қилинган биргина иш орқасида тузатиб бўлмас хатолар, ўйламай айтилган сўз ортида эса офриқли қалблар борлигига аҳамият бермаймиз. Йилларга қўшилиб умримиз ҳам манзили томон ошиқади. Аммо гоҳ-гоҳида ортимизга қараб қўйиш лозимлигини, ўзимизни тафтиш қилиш кераклигини унутиб қўямиз...



«Қизларимни эҳтиёт қиламан...»

Бир аёлни тез-тез кўриб тураман. Доимо икки қизини ёнида олиб юради. Онаси ишдан қайтгунча ҳамма жойини саранжом-сарипшалаб, мазали овқатларни тайёрлаб турадиган ёшдаги қизлар мактабдан чиқиб тўғри онасининг ишхонасига келади. Кечкурун иш соати тугаганидан сўнггина уйга бирга кетишади. Бир кунни йўлақда шу аёл кўзида ёш билан келатганини кўриб қолдим. «Тинчликми, опа?!» дейишим билан ўзим роса тўлиб турган эканми, дардини тўкиб солди:

— Охирги пайтда ҳамкасбларимнинг «Бу ер богча, мактаб бўлиб кетди», деган таъна-дашномлари, кесатик сўзларини тез-тез эшитадиган бўлидим. Лекин на илож. Ўрни келганда кўзим кўр, қулогим қар бўламан. Ишхонада қизларим билан ўтириш менга янми ноқулай. Мактабдан келиб қорни очкайди, дарс қилиши, китоб ўқиши керак. Ўсмир ёшида бўлгани учунми ўқишдан сўнг толиқади, уйкуси келади. Афсуски, ишхонада уларга дам олиши учун имкон бўлмайди...

— Нега унда қизларингизни ҳар кун ишга олиб келасиз? — деб сўрадим. Аёл эса бошини эгитганича узоқ турди. Кейин:

— Қизларимнинг бўйи етиб қолди. Отасидан эҳтиёт қиламан... — деди.

— Эҳтиёт қиласиз? Нима, отаси ўғайми? — дедим хайронлигимни яшира олмай.

— Йўқ, хақиқий отаси. Лекин ахлоқи... Ота-онам боши эгилмаслиги учун шу одамга беришга мажбур бўлишган. Йиллар давомида нималарни кўрмадим, дейсиз. Лекин эримни ҳечам тўғри йўлга сола олмадим. Ажрашай, десам, «Ҳаммангнни ўлдирман», деб кўркатади. Афсуски, бу гаплари шунчаки чўчитиш эмас, эримда, ҳаттоки юрак борлигига ҳам ишонмайман. У шундай шафқатсиз одам, — деди.

Ўз отасидан қизларини эҳтиёт қилаётган бу аёлнинг ахлоқини, қандай яшаётганини

тасаввур қиласизми? Жамиятимизнинг бундай офриқли дардларига қандай даво топишимиз, ҳаттоки Худонинг борлигига ҳам ишонмайдиган тубан кимсаларни қай йўл билан тарбия қилишимиз мумкин?!

Синган қалб изтироблари

Ҳамшира қўлимга томчи дорини улаб қўйиши билан қўл телефони жиринглаб қолди. Гапиратган одамнинг овози баландлигиданми, нариги томондан асабийлашаётган эркекнинг гаплари аниқ эшитилди:

«Нега ҳадеб телефон қилаверасан, нима керак ўзи сенга?..» Ҳамширанинг юз-кўзидан босиқлик билан жавоб қайтаришга уринаётгани кўриниб турарди:

— Олти йил давомида сизни бирор марта бевозта қилмадим. Алимент тўламаслик бахонасида ажрашишни ҳам чўзиб келаяпсиз. Қизингиз эртага ўн иккига қиради. Мучал ёши. У ҳар кун сизга хат ёзади, хатларининг қўлигини кўрсангиз хайрон қоласиз. Укаси йиртиб қўймаслиги учун асраб-авайлайди. Ўғлингиз яқинда олти ёшга қиради. Сизни танимайди ҳам. Қизингиз туғилган кунингга ҳеч нарса керакмас, фақат дадамини кўришни хоҳлайман, деяпти. Ҳеч бўлмаса қизингизни кўнгли учун келиб кетинг...»

Эркекнинг истеҳзоли кулгани, сўнг гўлдиригани:

«Яхши, унда юз доллар берсанг бораман», — деган ёқимсиз овози эшитилди.

Ҳамшира кутилмаган гапдан қотиб қолди. «Нималар депсиз? Ахир...» деб гапини тугатмасидан эри: «Бўлмаса, бормайман», деганича телефони ўчириб қўйди.

Бу қандай ота ўзи? Соғинчдан ўқиб ўсаётган ўз фарзандига дийдорини кўрсатиш учун пул талаб қилмапти!

Шу пайт аксига олиб игна ҳам томиримдан чиқиб кетди. Ҳамшира томирга қайта тушишга уринди. Қўллари асабдан титраб, кўзлари жикка ёш. Гўёки, энди томиримга дори эмас, синган аёл

қалбининг изтироб, алам, ўқинч аралаш кўз ёшлари томчилаб, сизиб қираётгандек эди...

Ота қаҳри

Муаттар опа яна бошига рўмолини қаттиқ боғлаб олганича кўчамиздан шошиб ўтиб кетяпти. Кўзларининг кизарганидан билиш мумкинки, йиғлаган ёки қон босими кўтарилган. Лекин шу ахволда кўчага чиқибди. Бу опанинг уч кизи бор. Ҳаммаси уйли-жойли, яхши хонадонларга турмушга чиқишган. Аммо отанинг асоссиз зуғум ва қийноқлари остида ўсган қизлар туғилиб, катта бўлган уйга келишни истамайди. Шу бонс онаси билан кўчада, бирор ерда ўтириб кўришишади. Муаттар опага: «Қизларингиз ҳам сизни аяшса бўларди. Бу ахволда кўчада йиқилиб қоласиз-ку, опа», деган эдим менга: «Қизларим ўз оиласида, ўз уйида эзиллиб ўсди. Отаси қизларимга ҳеч кун бермасди. Бўйи етиб қолганда ҳам аяммай урар, қизларим кўркувдан дағ-дағ титраганича кўчага қочарди.

Қап-қатта қизларни отаси кўчада қувиб, уришини кўрган, билган маҳалладаги болалар, синфдошлари қизларимга киноя аралаш қараб, масҳара қилишарди.

Шунча ҳаракат қилдим, лекин бўлмади. Эримнинг кўнглидаги қаҳрни, қизларимнинг юрагидеги отага бўлган нафратни сўндиролмадим. Улар ҳақиқий ота қандай бўлишини ўз турмуш ўртолқлари, қайноталари тимсолида кўришди. Кенжа қизим бир кун мени кучоқлаганича, «Онажон, фарзандларим болалик нима эканини ҳис қилиб ўсишяпти. Биз чеккан изтиробларни кўрмайпти, мен бахтлиман», деди. Майли, уйга келмаса-келмас. Мухими, тинч ва хотиржам бўлгани. Мен шуларнинг бахтидан куч олиб яшапман», — деди.

Оилалардаги бундай парокандаликни кўриб қуюниб кетасан киши. Оиласини бир дастурхон атрофида жамлашни орзу ҳам қилолмаётган Муаттар опа кичик кўксидан қанчалар улкан сабр-то

қат, бардошни жойлаб яшаётган экан-а?!

Чексиз муҳаббатнинг жавоби

Кўча муволишида маҳалламиздаги Назира опага дуч келиб қолдим. Кўп йиллар аввал бошқа туманга кўчиб кетган қўшимиз Роҳила опанинг турмуш ўртоғи вафот этганини, ҳозир таъзияга кетаётганини айтди. Роҳила опани яхши таниганим учун маҳалламиздаги аёлга шерик бўлидим. Собик қўшимнинг уйига яқинлашар эканман, ҳаёлимдан, «Йўли анча узоқ бўлса-да, кўп каватли уйдан кенг, шинамгина ховлига кўчиб ўтишган экан», деган ўй ўтди.

Ховли бурчагидеги аёллар билан тўла хонага кириб анча ўтирдим. Аммо Роҳила опа кўринмас, кўнгли сўраб келганларнинг олдида чиқай демасди. Ахирги кетиш учун таралдуланиб ховли томонга чиққан ҳам эдикки, бурчақдаги хонадан бир аёл отилиб чиқди. Дарвоза ёнида ўтирган икки йигит аёл томон югурди. Негадир мен танимаган аёл, бир йиғлаб, бир қулиб тушунарсиз ҳаракатлар қилар, ақли идрок этгандек кўринарди-ю, кутилмаганда мувозанатни йўқотар, фикрини жамлолмасди. Ёнидаги йигитлар «Ойи, илтимос ичкарига кириш», дея тортиқлар, титраётган аёлга ортиқча куч ишлата олмай қийналишарди.

Назира опа, «Роҳилахон-ку», демганида қўшимни умуман танимас эдим. Роҳила опанинг ёнига бориб хайратдан қотиб қолдим. Одам беш йилда шунчалик ҳам қариб кетиши мумкинми? Юзимизга бироз тикилиб турган Роҳила опа жим бўлиб қолди, сўнг ховли ўртасига бориб ўтирди-да, бошини эгиб бир қулиб, бир йиғлай бошлади. Катта ўғли онаси томон интилган эди укаси қўлидан ушлади: «Ака, қўйинг энди. Қачонгача беркитамиз», — деди. Укасининг гапидан хўрлиги келган Жасур қотиб қолди, сўнг чўкка тушганча, ерни муштлаб-муштлаб узоқ йиғлади...

Кутилмаган ҳолатдаги ахволини тушунтириб беролмайман. Бу хонадонга аза сабаб

келган эдим. Аммо мен бу ердан марҳум учун эмас, абор бўлган оила бахтидан қуйиниб йиғлаб чиқдим.

Йўл-йўлақай ҳаёлимдан фақат «Нега, ахир Роҳила опа соппасоғ эди-ку, нима бўлган ўзи?» деган саволлар ўта бошлади. Назира опа ҳолатини тушунди шекилли, сўзлай бошлади: «Роҳилахоннинг раҳматли эри жуда инжиқ эди. Ҳеч нарсдан кўнгли тўлмасди. Ҳар кун бир баҳона билан жанжал қилар, ичиб олган пайтлари хотинини қалтақлаб, ховлининг ўртасига ўтказиб қўярди. Ҳаво совуқми, иссиқми, қатъи назар, агар жойидан жилса, қаттиқ хафа қилишини айтиб, дўк урарди. Роҳилахон ховлида соатлаб қолиб кетарди. Шовкинлардан хабардор қўшнилари, маҳалла фаоллари эрига наҳишат қилишиди, натижа бўлмагач, Роҳилахонга ажрашишни маслаҳат беришди.

У бўлса, ҳар сафар эрининг ёнини олар, унинг яхши одамлигини, жаҳли чикса, кўзига ҳеч нима кўринмаслигини, нима бўлгандаям эрини яхши кўришини айтиб, кўринмасди.

Шўрликнинг миёсидеги ўзгаришлар қўшнинг тигида, жазирама иссиқда соатлаб қолиб кетганидан. Энди шу ахволга тушиб ўтирибди...

Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Гўёки, дунёни қўлида кўтариб тургандек гердайнб юрадиган Роҳила опанинг турмуш ўртоғи автохалокатдан вафот эттибди. Аёлнинг тинимсиз қалтақлаб, қўшнинг иссиқ тигида ўтиришига мажбур қилишдан мақсади, кўнглидаги ёвуз нияти нима экани ёлғиз Худогагина аён. Яшашдан маъни нима эканини анголмаган бу одам барча азобу ситамларга бардош бериб чидаган аёлининг чексиз меҳру муҳаббатига жавобан келажакда ўз наслини давом эттирувчи фарзандларига ақлдан озган онани «туҳфа» этиб кетди...

Кучук боласига оқибат

Назира опа билан хайрлашган, бекатда ҳаёл сурганча узоқ ўтирдим. Кўзим бекат ёнида илинган бир-бириндан қиройли кучук болаларининг расмига тушди. Ундаги сўзлар эътиборимни тортиди. «Инсон бўлинг! Жониворларга меҳр-оқибатли бўлинг». Бўзимда нимадир тикилди. Кўз олдимида чўккалаб йиғлаётган Жасур, даласига тинмай мактуб ёзаётган қизалоқ, онасининг ишхонасида қисиниб-қимтиниб кун ўтказаятган қизлар намоеён бўлди. Ҳаёлимдан «Одамлар ўз оиласига — боласига меҳр-оқибатли бўлолмапти-ку, кучук боласига шафқат қилармиди?! Ундан кўра боланга бир чимдим меҳр улаш, деб ёзиб қўй!» деган ўйлар ўтди. Елкамни оғир юк босгандек зўрга ўрнимдан турдим, яна бир бор суратга яхшилаб қарадим. Тавба, ҳаёл билан бўлиб аҳамият бермабман. Кучуқчаларнинг кўзлари тўла ёш эди...

Нилуфар ЖАББОРОВА,
журналист

«Ассалом»нинг ҳикмати

Эрталаб ишга кеч қолмаслик учун Муҳаммадалини боғчасига шовилтириб олиб борадиган отасининг ҳам, онасининг ҳам зарур юмуши чиқиб қолиб, барчалари тез-тез нонушта қилиб кетиб қолишди. Болақайни боғчага элтиб қўйиш ўғли ва келинининг илтимосига кўра Қодирдада қолди.

Қодирдада ва Муҳаммадали ҳам дастурхондаги у-бу нарсалардан тотинган бўлиб, аста боғчага бориш тараддудига тушишди. Улар қўл ушлашиб кўчага чиқибди. Ҳамма ўз юмуши билан кетган. Кўчада деярли ҳеч ким кўринмас, фақатгина уйқучи болалар тўрасолиб орқаларига папкаларини олиб олиб, бир қўлида бир тишлам нон билан мактаб томон югуриб кетмоқда.

Муҳаммадали бобоси билан кўчанинг ўнг томонидан, бир чеккадан аста юриб боришаркан, кўчанинг ўртасидан бир секин, бир лўкиллаб кетаётган бола ўтиб қолди. Қодирдада болага қараб: «Ассалому алайкум», деди. Муҳаммадали катта одам кичикларга салом беришига хайрон бўлиб, бобосига қаради. Югуриб кетаётган бола бу саломни эшитгани, йўқми, индамай кетаверди. Сал юргач, қаршиларидан яна бир бола кўк елим халтада бир нарсга кўтариб келарди. Рўпарамар-рўпара келганларида боладан садо чикмаганини кўриб, отахон унга ҳам салом берди. Бола елка оша бир қараб қўйди-да, пичирлаб салом берган бўлди. Шунда Қодирдада: «Ҳа, оиласида оз бўлса-да, тарбия бор экан», деб қўйди.

Муҳаммадали бобосига бир нима айтмоқчи бўлиб турганида, боғча эшигига етиб қолишди. Боғчанинг тўғрисидаги эшик олдига гўё уларни кузатаётгандек турган йигитча ҳам орқага бурилиб уйига кириб кетди. Муҳаммадали ҳам боғча дарвозасидан ичкари кириб, ўз гуруҳига бориб қўшилди...

Муҳаммадалининг онасини кечки пайт ота-оналар мажлиси бўлиб боғчаллиги туфайли ўғлини боғчадан олиб кела олмаслигини айтиб, яна қайночасидан илтимос қилди. Отахон бу хабардан хушнуд бўлиб, неварасини боғчага олиб бориб, олиб қайтишга қодир қилиб қўйган Яратган эгамга шукроналар айтди.

Бобо ва невра боғчадан уйга қайтишмоқда. Кўча анчагина гавжум: катта-кичик, ота-бола, она-бола, йигит-қизлар уйга қайтишяпти. Зингил солсангиз ҳар хил кайфиятда, бири бошқасига ўхшамайди. Уларнинг ёнидан елим халта кўтарган катта одамлар, ёш йигит-қизлар ва папкасини ортомқолаб, қадамни зўрга санаб босиб, хоргин кайфиятда мактабдан қайтаётган болалар ўтарди. Қодирдада ёнларидан



Сурат Уза фотоархивдан

ким ўтса, унга қараб салом бераверарди.

Муҳаммадали бунинг сабабини энди сўрамоқчи бўлиб турганида, ўрта ёшлардаги қўшнилари Содик ака бобо билан саломлашиб қолди: «Ассалому алайкум Қодир ака, яхшимисиз, соғ-саломат юрибсизми, барака топинг, неварангизни боғчадан олиб келай дебсиз-да, борингизга шукур!»

«Муҳаммадали бу гал ҳам оғиз очолмади. Кўча эшигидан ҳовлига киришгач, Муҳаммадали гап бошлади: «Бобо нега сиз ўзингиздан кичкинага салом бердингиз? Кичиклар катталарга салом берадилар-ку?»

Қодирдада неварасига қараб туриб, қани бу ёққа юринг-чи, дея ўзи яшайдиган хонага бошлаб кирди. Токчадан бир китоб олиб, «Болам, яхшилаб қулоқ солинг, мен ўқийман тушунмаганингизни сўрасиз. Энди сиз катта бўлиб, мактабга тайёргарлик гуруҳига ўтдингиз», дея ўқишга киришди.

«Абдуллох ибн Масъуд (р.а.) ривоят қиладилар: Расулulloх (с.а.в.): «Ассалом, Аллох суҳбонаху ва таолонинг исмларидан биридир. Ўзаро саломлашинини одат қилинг. Салом берган ва саломга жавоб қайтарган ҳар бир мусулмонга фаришталар етмиш марта салават юборадилар. Биринини кўриб саломлашмаган ва саломга жавоб бермаган мусулмонга улар етмиш марта лаънат юборадилар, — деб марҳамат қилдилар...»

— Болам маъносига тушундингизми?

— Яхши тушунмадим
— Тушунмаган бўлсангиз эшитинг: «Аллоҳнинг гўзал исмлари бор. Шулардан бири «Ассалом». «Ассалом» бу «саломатлик» деган маънони билдиради. Ким «Ассалом» деб саломлашса, Аллоҳни эслаган бўлади. Аллох номини эслагани яхши кўради. Чунки, у ҳар бир нарсани кўргувчи, билгувчи, эшитгувчидир. Шу боис уни

соғлом қилади, омонда сақлайди. Аллоҳни эслаган болани ахлокли, одобли, яхши хулқли қилади. Бундан ташқари, унинг фаришталари салом берганга яхшиликлар етказишини сўрайди».

Қодирдада ўқишда давом этади: «Имрон ибн ол-Хусайн (р.а.) шундай ривоят қиладилар: «Бир куни бир одам келиб Расулulloх (с.а.в.)га: «Ассалому алайкум», деди. Расулulloх (с.а.в.) унинг саломига жавоб бериб: «Номаи аъмолингга ўн савоб ёзилди», дедилар. Бошқа бир одам келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллохи ва баракотух», деди. Расулulloх (с.а.в.) унинг саломига жавоб бериб: «Сенинг номаи аъмолингга йигирма савоб ёзилди», дедилар. Яна бошқа одам келиб-да: «Ассалому алайкум ва раҳматуллохи ва баракотух ва мағфирати», деб айтди. Расулulloх (с.а.в.) «Сенинг номаи аъмолингга ўттиз савоб ёзилди», дедилар...

— Бобо «номаи аъмо» дегани нима, — деб сўради Муҳаммадали.

— Болам, Аллох одамларни яратиб, ҳар бир инсонни дунёда нима ишлар қилиб ўтганини ўзига кўрсатиш учун иккита фаришталар бириктириб, бирини ўнг елкасига, иккинчисини чап елкасига ўтказиб қўйди. Ўнг елкасидан фаришта ўша инсон қандай яхши ишлар қилса, чап елкасидан қандай ёмон ишлар қилса, шунга ёзиб қўяди. Ана шу дафтар «номаи аъмо» деб юрилади. Энди тушуниб олдингизми? Ҳа, баракалла, демак, салом беришнинг қанчалик улуғ эканлигини билиб олдингиз. Борди-ю бир қўлингизни кўксингизга қўйиб салом берсангиз, хурматингиз янада ошади. Болам сизга насихатим, маслаҳатим шуки, сиз танийсизми, танимайсизми, катта кишимиз, кичикми — ким бўлишидан қатъи назар салом бераверинг.

Салом берган одам ҳеч қачон кам бўлмайди, ёмонлик кўрмайди, иззат ҳурмати улуғ бўлади.

Баҳодир ҚОДИРОВ

15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Оила — инсон вояга етадиган, камол топадиган муқаддас кўрғон. Унинг тинчлиги ва осойишталиги бу масканда улғаяётган фарзандлар маънавий дунёсига ўз таъсирини кўрсатади. Бошқача айтганда бола ҳаётига пойдевор айнан оилада қўйилади.

ОИЛАНИ САҚЛАШ УСТУНЛАРИ

ёхуд ажрашишлар олдини олишда
Тошкент вилоятида амалга оширилаётган
ишлар мақтовга лойиқми?



Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан 15 май жаҳон миқёсда Халқаро оила куни сифатида кенг нишонланади. Мазкур сана муносабати билан «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган илмий-амалий конференция оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари бағишланди.

Соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш, ажрашишлар олдини олиш, тирик етимлар сонини камайтириш, ёш оилаларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш борасида Тошкент вилоятида қандай ишлар қилинмоқда.

— Вилоятда бугунги кунда 807 миң 822 оила истикомат қилади, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Дилором МАҲАМАДАЛИЕВА. — Аввало, оилаларда муаммоларни ўрганиш мақсадида ўнга яқин ижтимоий сўровномалар ўтказдик. Хулосалар бўйича мутасадди ташкилотларга тегишли таклиф ва тавсиялар берилди. Ҳамкор ташкилотлар билан мавжуд муаммоларга ўз вақтида ечим топишга ҳаракат қилияптиз.

Ҳозиргача 774 та ажрашиш ҳолатида турган оиланинг 90 фоизини яраштиришга эришидик. Бу 974 нафар бола тирик етим бўлишининг олди олинди деганидир.



Суратларда: Халқаро оила куни муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирларидан лавҳалар.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда Зангиота, Паркент, Тошкент туманлари ва Олмалик шаҳрида жойлашган 18 та касб-ҳунар коллежларининг 9 миң нафардан зиёд ўқувчиси эндоқронолог, ортопед ва офтальмолог кўригидан ўтказилди. Тиббий кўрик таҳлилларида 2278 нафар ўқувчида йод танқислиги, кўз соҳаси ва охириги ўринда таянч ҳаракат тизими касалликлари аниқланиб, улар кузатувга олинди.

Паркент туманида 2018 йилда «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби» республикада намуна сифатида иш бошлади. Ҳозир вилоятнинг 22 туман ва шаҳрида шундай замонавий мактаблар иш бошлади. У ерда бўлғуси келин-куёвлар оила учун зарур ҳуқуқ, иқтисод, психология, дин асослари ва репродуктив саломатлик бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлмоқда. Қисқа вақт ичнда 800 жуфт ёшлар келин-куёвлар инновацион мактабини тугатиб турмуш қурди ва бахтли яшамокда.

Умида МАНСУРОВА,
«Оила» ИАТМ Тошкент вилояти
бошқармаси мутахассиси

9 ҲИҚМАТ

Бахтли оила қуришининг икки шarti бор: яхши турмуш ўртоғини танлай билмоқ. Яхши турмуш ўртоғи бўлмоқ.

Жалолиддин РУМИЙ

Илмнинг аввали сукут, сўнг эшитиш, сўнг ёд олиш, сўнг амал қилиш, сўнг уни тарқатиш.

Имом ҲАЗЗОЛИЙ

Болаларда ошқозон-ичак касалликлари нима учун тез-тез бўлиб туради? Буни тушуниш учун уларда овқат ҳазм қилиш тизимининг қандай тузилганлигини билиш керак. Болада овқат ҳазми унинг марказий нерв ҳолати, бутун организмнинг ўсиши ва ривожланишига боғлиқ.

Ошқозондан овқат 12 бармоқ ичкакка тушади, бунда она сути 1,5 соат ичида, таркибида ҳазм қилиш учун узокрок вақт талаб қиладиган оқсил (*казеин*) кўп бўлган сигир сути 3,5 соатда тушади. Ошқозон-ичак йўли касалликларида ёки қаттиқ таъсирида ичкаклар ҳаракати кучаяди, натижада боланинг ичи тез-тез суюқ келади, чунки овқатнинг суюқ қисми ичкакда ҳали сўрилмаган бўлади. Боланинг нажаси таркибида сув миқдори 85-95 фоизгача ортади. Диарея алоҳида касаллик эмас, балки кўп ҳолларда организмнинг овқат ҳазм қилиш тизимидаги умумий бузилишдан дарак берадиган қатор патологик жараёнлар кўринишида намоён бўлади.



Инфекция таъсирида аксарият ҳолларда тўсатдан қоринда оғриқлар (*бола ишғайди, оёқларини силкитади*) ва ич кетиши (*баъзан ишллик, қон, яшил рангли моддалар ва бошқа қўшимчалар*) бошланади. Айрим ҳолларда бу тана ҳароратининг кўтарилиши билан давом этиши мумкин.

Кўпинча касаллик оғир кечиб, шошилч даво чораларини амалга оширишни талаб этади. Болалар организм жуда тез сувсизланади. Сув ва минерал тузлар кўп йўқотилиши ҳисобига боланинг танада модалла алмашинуви бузилади ва ички аъзолар фаолиятида турли даражадаги салбий ўзгаришлар рўй беради. Аввало; ошқозон ичак йўли ва асаб тизими зарарланади. Оддий кўринган ич кетиши қатор жиддий асоратларга олиб келиши ҳам мумкин.

Ич кетишининг энг кўп тарқалган сабаби ошқозон, ингичка ичак шиллик қаватида пайдо бўлган бактериялар, вируслар, паразитлар ёки уларнинг токсинлари оқибатида суюқлик сўрилиши бузилади ҳамда ичкакларда яллиғланиш ва зарарланиш кузатилади.

Кўкрак ёшидаги болаларда касалликнинг илк белгилари иштаха пасайиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, қайт қилиш, ич келишининг бузилиши (*бир кеча-кундузда 6-8 мартагача*) кабилардир. Вақтида чора кўрилмас боланинг ахволи оғирлашиб боради ва ич кетиши тезлашади, тана ҳарорати янада кўтарилади. Бемор сувсизланиб, тери ва шиллик қаватлар қуруқлашади.

Сальмонеллез инфекцияси иммун химоя тизими паст гўдакларда жуда оғир кечади. Нафақат ошқозон-ичак тизими балки бошқа аъзоларда ҳам йирингли ўчоқлар юзага келиши мумкин.

Чакалоқлардан фарқи равишда, бонча ва мактаб ёшидаги болаларда сальмонеллез одатда ўткир бошланади. Тана ҳарорати кескин кўтарилади (*38 даражадан юқори*), бош ва қоринда оғриқ, кўп

Болаларда ич кетиш — ДИАРЕЯ



маротаба қайт қилиш, ичнинг тез-тез ва сувдек кетиши, беҳоллик кузатилади ва иштаха пасаяди. Муолажалар нотўғри олиб борилган ва кеч бошланганда танада сувсизланиш кучаяди, ўткир буйрак етишмовчилиги, қон босимининг тушиб кетиши, томир уришининг сусайиши, тиришишлар юзага келиб, касаллик фожеа билан яқунланиши мумкин.

Катта ёшдаги болалар касалликдан 3-4 hafta ичида тuzалдилар. Кичик ёшдагиларда эса жараён бир неча ой давом этиб, касаллик хуружли тарзда кечади. Беморлар соғайгач овқат ҳазм қилиш ва ич келишининг бузилиши баъзан узок муддат кузатилиб, дисбактериоз, қорин дам бўлиши ва озик-овқатларга нисбатан таъсирчанлик юзага келади.

Ичбурғ (дизентерия) — йўғон ичак зарарланиши билан кечадиган ўткир юқумли ичак касаллиги бўлиб унинг ҳам асосий клиник белгиси ич кетиши ҳисобланади.

Дизентерия йил бўйи кузатилади, лекин ёз-куз ойларида кўпаяди. Бу вақтда микробларнинг кўпайиши учун ҳавонинг иссиқлиги ва етарли микдордаги озик моддалар қулай шароит ҳисобланади. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар айниқса бунга мойил бўлади. Дизентерия кўзгатувчиси организмга оғиз орқали тушиб йўғон ичкакка етади ва у ерда кўпаяди. Улар токсинлар ишлаб чиқаради ва токсинлар ичакни ҳамда бошқа барча аъзоларни зарарлайди. Ичак деворларида яралар пайдо бўлиши ва шундан қон кетиши мумкин. Дизентерия бактериялари одатда қонга тушмайди.

Ротавирусли инфекциялар билан кўпроқ чакалоқлар ва 1-3 ёшли болалар касалланади. Диарея белгиси қариб ҳамма беморларда кузатилади. Гастроэнтерит белгилари иштаханинг пасайиши, қоринда қулдираш, оғриқ, кўнгил айнаши, қайт қи-

ЭСЛАТМА

Болага катта ёшдагилар ичадиган дори воситаларини ҳеч қачон берманг, дориларни врач буюрган миқдорини ўзингизча оширманг, суюқ дори воситалари музлаб қолишига йўл қўйманг.

лиш ва ич кетиши билан характерланади. Касаллик энгил кечган ҳолларда нажас суюқ, кўпикли, ранги сариқ ёки сарғимтир-яшил бўлади. Кунига 5-7 дан 10-15 маротабагача ич сурлади. Танада сувсизланишнинг оғир даражалари кузатилмади.

Беморларда юмшоқ танглай, равоқ ва тилча шиллик пардаларидаги катарал яллиғланишлар, ютқум орқа деворининг дондорлиги кузатилади.

Стафилококк диарея касаллиги тез-тез учрайди. Касаллик наонб бемор одам ва бактерия ташувчилар ҳисобланади. Касаллик тана ва кўл, бармоқлардаги яралари бўлган одамлардан, эмизикли чакалоқларга кўкраги зарарланган оналардан юқади.

Касаллик ўткир кечади, қоринда мижгилаб оғриқ, кўнгил айнаши, қайт қилиш кузатилади. Тана ҳарорати киска муддатли кўтарилади. Ич бир неча маротаба, кўкимтир рангда, суюқ, шиллик ва қон аралашмасиз кетади. Катталарда сувсизланиш белгилари кузатилмади, болаларда эса сувсизланишнинг 1-2 даражаси кузатилади.

Ақромжон ОБИДОВ,

Тошкент тиббиёт академияси юқумли касалликлар кафедраси доценти

ТАБИАТ ДОРИХОНАСИ



БУЙРАК ВА ЖИГАРГА ЁРДАМЧИ

Гилос юртимизда энг кўп тарқалган мевалардан биридир. Айни ҳозирдан пишиши бошлаб ёзнинг ўрталаригача дастурхонимиз кўрқига айланади. Бундан саккиз минг йиллар муқаддам ҳам инсониятга мўъжизавий куч ато этиб келган гилос меваларида кўп миқдордаги фойдали моддалар, витамин ва минераллар мавжуд.

Гилос меваси ўзининг витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Вужудимизда кечувчи моддалар алмашинуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган минералларга, фойдали микроэлементларга бой ҳисобланади. Гилос мевасидан табиатда кўпгина касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида фойдаланилади.

Гилос буйрак ва жигар фаолиятини яхшилаб, қон айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Гипертония билан оғриган беморлар учун фаол бирикмаларга бой бўлган тўқ қизил гилоснинг энг фойдали миқдори кунига 250-300 граммни ташкил этади.

Артрит, ревматизм ва подаграда оғриқларни камайтириш учун янги узилган ширин гилос мевасининг 15 донаси ёки бир ошқошқ куюк гилос шарбати ёхуд бу меванинг компоти кайнатмасини кунига уч маҳал истеъмол қилиш тавсия этилади. Ушбу кайнатма куйидагича тайёрланади: 1 литр сув кайнагандан сўнг унга унча тўла бўлмаган бир ҳовуч мева солинади ва паст оловда 7 дақиқа кайнатилади. Сўнгра оловдан олиниб, оғзи бекитилган ҳолда 20 дақиқа дам берилади. Кайнатмадан бир кунда камида 0,5 литр истеъмол қилиш лозим.

Меваси ичак фаолияти сусайиши, қабзият ва бошқа ички хасталикларда даво сифатида қўлланилади. Шарбати ва кайнатмаси овқат ҳазм қилиш тизимини яхшилайди. Унинг мевалари таркибида кам миқдорда органик кислоталар мавжудлиги сабабли уни истеъмол қилиш меъда шиллик қаватининг яллиғланиши (гастрит) билан оғриган беморларда кислота миқдорининг ортишини келтириб чиқармайди.

Шунингдек гилос меваларида темир ва витаминлар қўпчилиги боис камқонликда истеъмол қилиш тавсия этилади. Гилос кайнатмаси ёки компоти иситма туширувчи, шамоллашда қувват бағишловчи восита сифатида ичилади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Болаларда диарея кузатилганда қуйидагилар ман этилади:

- ичак ҳаракатини кучайтирувчи озик-овқатлар ва айрим маҳсулотлар (қора нон, янги узилган сабзавотлар, янги соғилган сут, зирavorларга бой ва аччиқ таомлар, қаҳва, қовурилган картошка, ёнғоқлар);
- шакар, қоғоз халтачадаги шарбатлар, лактоза-сут маҳсулотлари;
- гўшт, балиқ, сабзавот ва кўзқоринли узок кайнатилиб тайёрланган шўрвалар, газли ичимликлар, ловия, мош, нўхат ва бошқалар

ТАВСИЯ

Диарея кузатилганда қуйидагилар тавсия этилади:

- ✓ қайнатилган гуруч, банан, димланган олма;
- ✓ буғда пиширилган ёғсиз гўшт ва балиқ қиймаси қоптоқчалар кўринишида, сувда пиширилган шилликли бўтқалар (айниқса гуручли);
- ✓ димланган, қайнатилган, эзилган нордон олма.

Парвариш

Болаларда ич кетиши ва қайт қилиш кузатилганда ота-оналар қуйидагиларни билишлари керак:

- *ич кетиши ва қайт қилиш билан боғлиқ бўлган асосий хавф сувсизланиш ҳисобланади. Шунинг учун беморни даволанда организмни доимий равишда суюқлик билан таъминлаш;*
- *йўқотилган суюқлик ўрнини тўлдирish учун ич кетиши ва қайт қилиш бошлангандан кейинги бир неча соат ичида бошлаш;*
- *йўқотилган суюқлик ўрнини тўлдирish учун дориҳоналарда мавжуд бўлган махсус аралашмалардан тайёрланган эритмалардан фойдаланish;*
- *кўкрак сүти билан эмизилаётган гўдакни имкон қадар тез-тез эмизish.*

МАСЛАҲАТ

- Жигар хасталигини беҳи суви даволайди. Беҳи шарбатини кунига 1-2 кosa ичиш тавсия этилади.
- Ҳар қандай касалликни даволаш ошқозонни қаттиқ зардиби билан ювишдан бошланади.
- Оёғингиз доим тоза, қуруқ, иссиқ бўлсин.
- Кўк чай буйракни ювади, ундаги яллиғланишни даволайди.
- Уйқудан олдин қуйидагиларни истеъмол қилиш мумкин: олма, бир қошиқ асал, бир стакан кефир ёки асал қўшилган бир стакан илтирок сут.

Оила меҳри

Бугун кечкурун маҳалладошларимиздан бириникида ифтор экан, боя айтиб кетишибди. Ишдан келсам бу ҳақда ўғлим худди еткизаётган хабари учун суюнчи оладигандай, мени кўргандан югуриб олдимга келди:

— Дада, дада, сизни кечга ифторга айтиб кетишти. Борар экансиз, — деди ховлиқиб.

— Хўп ўғлим, хўп.

Ишдан чарчаб келганим учунми ифторга бориш ҳам малолдай туюла бошлади. Аммо, бориш керак, маҳалладош хафа бўлиши мумкин. Ифтор вақтигача бироз дам олиб, сўнг оғиз очишга ярим соат колганда уйдан чиқа бошладим. Қарасам хотиним аллақачон ҳар кунгидай қилиб ифторлик дастурхонини тузаб қўйибди. Дастурхонда бир идишда озрок салат, бир стакан қатик, икки бўлак қозонда ёпиб пиширилган чалпак, бир ҳовуч хурмо ва бир тарелкада мевалар турар эди. Қўл калталик курсин, хойнаҳой нимадир овқат қилган бўлса ҳам гўштсиз овқат қил-



ган. Эпиккача бордим ва тўхтаб сонияларда ҳаммасини ўйлаб кўрдим: ифтордаги тўкин дастурхон, икки-уч хил овқат, турли салкин ичимликлар ва турли хориж мевалари... Йўқ, томоғимдан ўтмайди, ўтса ҳам барибир татмайди...

Секин ортга қайтдим ва ўзимнинг қаддон дастурхоним ёнига ўтириб, Қуръонни кўлимга олдим ва болаларимни ёнимга чақирдим...

Ғайрат ЙЎЛДОШ
azon.uz

ЖАВОҲИР

Иқбол МИРЗО



ШОГИРД

Устозга гул тутган баъзи нокаслар
Мушт кўтариб келар шогирд қасдига.
Устозга тишлари ўтмаган пастлар
Шогирдга ташланар хуморбосдига.

Ҳаёт чидаганга чиққан, жон жўра,
Кимнинг мушти, кимнинг юраги қадоқ.
Ҳаёт мактабида устоздан кўра
Ғанимлари сабоқ бераркан кўпроқ.

САВОЛ

Шайтон овози

Турлар уни «шайтон овози», немис денгизчилари «муссон шамоли», инглизлар «энг бахтсиз кишилар овози» дея таърифлашган. Бизда ҳам бу нарса яхшиликка олиб келмайди деган ақида бор.

Савол:

Гап нима ҳақида кетмоқда?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба кuni соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

17-сондаги саволнинг жавоби қуйидагича:

340 йилки инсониятга беминнат хизмат қилиб келаётган қурилма бу — лифт.

Саволга Аҳмад МУРОДОВ, Маъмур ҚЎШОҚОВ ва Умида Саидвалиева тўғри жавоб йўллади.

ТАБАССУМ 😊😊😊

Талабаларнинг ўзаро суҳбати

— Сизнингча, биринчи бўлиб, қайси ваҳший жониворлар пайдо бўлган?

— Илк даврларда Ректозаврлар пайдо бўлган. У ўз захира манбаи қилиб Деканазаврларни қорлай бошлаган.

— Деканазаврлар нима билан озиқланган?

— Бу даврга келиб, Талабазаврлар дунёга келган. Улар бир йилда икки марта ўз бошидан оғир кунларни ўтказишган.

Бу Сессионлик давридир. Бу даврга кўпчилик талабалар қирлиб кетган. Фақатгина чаққон Талабазаврлар Танказаврлар орқали жон сақлаб қолишган.



Иккита сўққабаш:

— Яқинда пазандалик китобини сотиб олгандим, аммо ундан фойдаланишнинг иложи йўқ экан.

— Нега?

— Китобдаги ҳар бир тавсия «Тоза идишни ола-сиз» деган сўз билан бошланаркан.

ПАЗАНДАЛИК

«Қуш уялари»

Сизларга ажойиб таом рецепти, яъни қиймадан тайёрланган «Қуш уялари»ни эътиборингизга ҳавола этамиз. Бундай кўринишдаги егулик катта-ю кичикка бирдек манзур бўлиши аниқ.

Зарур масалликлар: қийма, нон қоки, хантал, тухум, шампинион кўзикорини, ун, пиёз, ўсимлик ёғи, сметана, кўзикоринли аралашма, бедана тухуми ҳамда таъбага кўра туз ва мурч.



Тайёрланиши: чуқур идишга қийма, нон қоки, хантал, товуқ тухуми, туз ва мурч солиб, аралаштириб олинади. Шампинионлар паррак қилиб, пиёз эса юпка тўртбурчак шаклда тўнраб олинади. Товага ўсимлик ёғи қуйиб, иккаласи бирга қовурилади. Сўнг, урни солиб, аралаштирилади ва 1 дақиқа давомида қовурилади. Кейин, сметанани солиб, яна 1 дақиқа аралаштириб туриб, қовурилади ва газдан олинади. Қиймани тенг 8 га бўлиб, котлетсимон шакл берилди ҳамда устини бироз чуқурроқ қилиб олинади. Албатта, уяга ўхшатиш керак. Патнисга терилади. Қиймалар 190 С даражада қизиган печда 25-30 дақиқа давомида пишириб олинади. 25 дақиқадан сўнг қиймаларни олиб, устидан 1 ошқошиқдан кўзикоринли аралашмадан солиб, ўртасига биттадан бедана тухуми қакчиб солинади. Яна печга қўйиб, 5-7 дақиқа давомида пишириб олинади.

Ёкимли иштаха!

ЭЪЛОН

Ўқув Даволаш Комплекси тиббиёт коллежи томонидан 2009 йилда Холматова Мохира Хасан қизига берилган К №1432042 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КАРИКАТУРА



МАСЛАҲАТ

■ Цитрус меваларнинг пўстлоғи қахва ҳамда чойдан қорайган идишларни яхши тозалайди;

■ Тахтали мебелларнинг юзасида сув солинган идишларнинг изи қолган бўлса, чизикларнинг устига майонез суртиб қўйилади ва бир соатдан кейин артиб олинади;

■ Гиламсиз полни қирлишлардан ҳимоялаш мақсадида стул ва стол оёқларига махсус «пайпоқ»лар кийгизиш мумкин;

■ Идиш-товуқ ювадиган губкани қуришти учун қозғоқ қистирғичдан фойдаланса бўлади.

МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;
«Ойла» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компютерда терилди ва сақланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмаҳавасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Маждидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммаджон Қурунов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Б. Насибов
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Буғуртма: г-537 ISSN 2181-6190 Обунга индекси — 193

Адаби: 2971 нуска. Нарҳи: келишум асосида.

Қозғоқ бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 00:10



123 56